O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№ 3105.09

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2009 йил 1 май, № 87 (4750) Жума

# БАРКАМОЛ АВЛОД – КЕЛАЖАГИМИЗ ТАЯНЧИ

***Истиқлол фарзандлари чинакам маънода бахтли ёшлардир. Зеро, бугун уларнинг энг замонавий шароитларда ўқиб билим олишлари, ҳунар ўрганишлари, ўз иқтидор ва истеъдодларини намоён этишлари учун кенг имкониятлар мавжуд. Бу, шубҳасиз, мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида келажагимиз фаровонлигини таъминлаш мақсадида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар натижасидир.***





Таълим

Бундай беқиёс ғамхўрликлар самараси туфайли ўғил-қизларимиз ҳавас қилса арзигулик қулайликларга эга муҳташам ўқув биноларида илм олмоқдалар.

Беруний туманидаги "Озод" овул фуқаролар йиғини ҳудудида ҳам ана шундай кўркам ўқув маскани қад ростлади. Овулдаги 15-умумтаълим мактабининг 630 нафар ўқувчиси эндиликда замонавий меъморчилик услубида қуриб битказилган янги бинода таълим олмоқдалар. Кенг ва ёруғ синфлар, энг замонавий лаборатория ускуналари билан жиҳозланган амалиёт хоналари, ахборот-ресурс маркази, ёзги ва қишки спорт мажмуаси улар ихтиёрида. Табиийки, бундай юксак эътибордан баҳраманд ёшлар юрт тараққиётига муносиб ҳисса қўшадиган баркамол инсонлар бўлиб вояга етиш учун астойдил ўқиб-ўрганмоқдалар.

**Арслон КАННАЗАРОВ (ЎзА) олган суратлар.**



## ДОЛЗАРБ МАСАЛАГА БАҒИШЛАНДИ

**Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади.**

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитасининг давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, тупроқ унумдорлигини ошириш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланишга доир қонун ҳужжатларини такомиллаштириш масалалари муҳокама этилди.

Давра суҳбатида таъкидланганидек, бугунги кунда мамлакатимизда барча соҳалар қатори қишлоқ хўжалигида ҳам кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Собиқ ширкат хўжаликлари ўрнида эндиликда фермер хўжаликлари иш олиб бораётир. Энг муҳими, қишлоқда ҳақиқий мулкдор — ер эгаси пайдо бўлди. Унинг меҳнатга муносабати, ўз ишидан қониқиши ва манфаатдорлиги бутунлай ўзгарди. Натижада кейинги йилларда қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлиги ортди.

Йиғилиш иштирокчилари соҳадаги ана шундай самарали ва барқарор ривожланиш суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатига боғлиқлигини алоҳида қайд этдилар. Чунки республикамизда ҳосилнинг 90 фоиздан ортиғи суғориладиган ерлардан олинмоқда.

Бу борада давлатимиз томонидан ҳам ҳуқуқий, ҳам амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Хусусан, 2008-2012 йилларга мўлжалланган суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратилган Давлат дастурида 1000 дан ортиқ мелиорация қудуқларини реконструкция қилиш, 7,6 минг километрлик дренаж тармоғини қайта тиклаш ҳамда мелиорация техникаси паркини янгилаш бўйича кенг кўламли ишларни амалга ошириш белгиланган.

Шунингдек, давра суҳбатида қишлоқ хўжалигида тупроқ унумдорлигини ошириш ва ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, мавжуд сув ресурсларидан оқилона, тежамкорлик билан фойдаланиш юзасидан манфаатдор вазирлик ҳамда давлат ташкилотларининг мутасаддилари, олимлар ва мутахассисларнинг фикрлари эшитилди.

Тадбир сўнгида муҳокама этилган масалалар бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Зиёда АШУРОВА.**

***Шу йил 30 апрель куни Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси фаоллар кенгашининг навбатдаги кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.***

## ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИДА

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида Президент Ислом Каримов раҳбарлигида демократик ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамиятини барпо этиш, халқимизнинг маънавий ҳаётини юксалтиришга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг юксак эътибори ва ғамхўрлиги туфайли миллий адабиётимизни ривожлантириш, ижодкорларнинг меҳнатини қадрлаш ва муносиб рағбатлантириш бўйича олиб борилаётган ишлар диққатга сазовордир. Бунинг натижаси сифатида эл-юртимизнинг маънавий дунёсини бойитишга хизмат қиладиган кўплаб янги бадиий асарлар яратилмоқда.

Айни пайтда шиддат билан ўзгариб бораётган бугунги замон Ёзувчилар уюшмаси ва адиблар зиммасига янада масъулиятли вазифаларни қўймоқда. Ҳозирги кунда жамиятимизда амалга оширилаётган туб ислоҳотлар моҳиятини, дунё ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаб бораётган мамлакатимиз ҳаётидаги тарихий янгиланиш жараёнларини, бунёдкор халқимизнинг турмуш тарзи ва онгу тафаккурида юз бераётган ўзгаришларни бадиий йўсинда маҳорат билан талқин этиш, ёш авлодни она-Ватанга, истиқлол ғояларига садоқат ва муҳаббат руҳида тарбиялаш, замонавий қаҳрамон образини яратиш каби вазифалар қалам аҳлининг маънавий бурчи ҳисобланади.

Бу вазифалар, ўз навбатида, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси фаолиятини янада кучайтириш, унинг бошқарув тизимини такомиллаштириш, ёзувчи ва шоирларнинг мамлакат ижтимоий-маданий ҳаётидаги фаоллигини ошириш сингари қатор масалаларни ҳал этиш, мавжуд муаммоларнинг ечимини топишни талаб этади.

(Давоми 2-бетда).

## ХОРИЖДА ЎЗБЕКИСТОН САЙЁҲЛИК САЛОҲИЯТИГА ҚИЗИҚИШ ОРТМОҚДА

***Саудия Арабистони Подшоҳлиги ва Италия Республикасида Ўзбекистон сайёҳлик салоҳиятига бағишланган тақдимот бўлиб ўтди.***

Дунё нигоҳи

Ар-Риёд шаҳри Савдо-саноат палатаси томонидан Ўзбекистоннинг Саудия Арабистони Подшоҳлигидаги элчихонаси кўмагида ташкил этилган тадбирда подшоҳликнинг расмий ва ишбилармон доиралар вакиллари, бир қатор йирик сайёҳлик фирмалар ва компаниялар бошлиқлари, оммавий ахборот воситалари, Подшоҳ Сауд номидаги университетнинг туризм факультети раҳбарлари иштирок этишди.

Саудия Арабистонининг туризм бўйича савдо-саноат палатаси миллий қўмита раҳбари Файсал ал-Мутлақ тақдимот маросимини очар экан, бундай тадбирлар Ўзбекистон ва Саудия Арабистони ўртасидаги ҳамкорликнинг ривожланишида катта аҳамиятга эга эканлигини ҳамда Ўзбекистон халқининг бой тарихи ва маданияти, унинг мустақиллик даврида эришган ютуқлари, туризм соҳасини ривожлантириш истиқболлари билан танишишга имконият яратишини таъкидлади.

Тадбир давомида иштирокчилар Ўзбекистон туризм соҳасининг ҳозирги аҳволи, унинг инфратузилмалари, мамлакат ҳукумати томонидан туризмни ривожлантиришга қулай шароит яратиш ва бу соҳада хорижий мамлакатлар билан ҳамкорликни кенгайтириш борасида амалга оширилаётган тадбирлар билан яқиндан танишишди. Тадбир меҳмонларига «Ўзбекистонга хуш келибсиз» видеофильми араб тилида намойиш этилди. Холлда «Тошкент-2200» мавзусига бағишланган кўргазма очилди.

**Тақдимотда Подшоҳ Сауд номидаги университетнинг туризм ва археология факультети профессори, доктор Хишам Умар** «Буюк Ипак йўли» марваридлари сифатида машҳур бўлган Ўзбекистоннинг Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарлари нафақат ўзбек халқининг бойлиги ва фахри, балки ислом маданий меросининг бебаҳо қисми ҳисобланишини таъкидлади.

**Ар-Риёд шаҳри савдо-саноат палатасининг туризм бўйича бошқармаси бошлиғи Ҳусайн ал-Мушит**нинг фикрига кўра, «Ўзбекистон нафақат меъморий ва маданий қадриятлари билан, балки ўз халқининг сайёҳларда унутилмас таассурот қолдирадиган анъаналари билан ҳам бойдир. Ўзбекистоннинг тарихий шаҳарлари ва диққатга сазовор жойлари, шубҳасиз, Форс кўрфазида жойлашган араб мамлакатлари сайёҳларида қизиқиш уйғотади».

Тақдимот якунига кўра, Саудиянинг сайёҳлик фирмалари вакиллари томонидан туризм соҳасида Ўзбекистон ва Саудия Арабистони ўртасидаги муносабатларни янада кенгайтириш борасида таклифлар берилди.

Ўзбекистоннинг туристик имкониятига бағишланган тақдимот Жидда шаҳрининг Савдо-саноат палатасида (ССП) ҳам бўлиб ўтди. Тадбирнинг очилишида иштирок этган ССП бош котиби Мустафо Сабри Ўзбекистон ҳудудида яшаб ўтган ва ижод қилган, ўзларидан ноёб илмий ва маънавий мерос қолдирган буюк олим ва мутафаккирларнинг тутган ўрни ҳақида ўз мулоҳазаларини билдирди.

М. Сабрининг фикрича, Ўзбекистон турли хил диний, маданий ва этник гуруҳлар вакилларининг тинч-тотув яшай олишига мисол бўлиб келмоқда. Меҳмондўст халқ, гўзал манзара, кўплаб меъморий ва тарихий ёдгорликлар ҳамда шаҳарлар Ўзбекистонда халқаро туризм янада тараққий этиши учун мустаҳкам замин яратади.

**«Al-Hidaya Global Group»** кўп қиррали туристик компанияси президенти Солиҳ ал-Бохвиний ўтган йили Ўзбекистоннинг тарихий шаҳарларига қилган саёҳати давомида олган таассуротларини сўзлаб берди. У тақдимот иштирокчиларининг эътиборини Ўзбекистонни хорижий сайёҳлар учун янада жозибадор қиладиган сиёсий ва иқтисодий барқарорлиги ва хавфсизлигига қаратди. "Яратилган мавжуд қулайликлар туфайли бу юртга келаётган сайёҳларнинг сони йилдан йилга тобора ортмоқда. Мамлакатнинг ажойиб иқлими йилнинг исталган фаслида хордиқ чиқаришга, ранг-баранг сайёҳлик турларига бўлган талабларни қондиришга имкон яратади".

(Давоми 2-бетда).

## ИНСОН МАНФААТИ – ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

***Тошкентда Ўзбекистон Республикасининг Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий маърузаси билан танишув якунларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.***

Ўзбекистон Республикаси Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий маркази ва БМТ Ривожланиш дастурининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, манфаатдор вазирлик ва идоралар, халқаро ва нодавлат ташкилотлар вакиллари, экспертлар, олимлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий маркази директори А. Саидов, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) С. Рашидова мамлакатимизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш, қонун устуворлиги ва ижтимоий адолатни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар юксак самаралар бераётганини таъкидлади.

(Давоми 2-бетда).

# Мамлакат бўйлаб

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

## Илмий-амалий анжуман

***Тошкент банк коллежида мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" асарини ўқиб ўрганиш, уни аҳоли ва айниқса, ўсиб келаётган ёшлар орасида тарғиб қилишга бағишланган республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди.***

Унда мамлакатимизнинг етакчи иқтисодчи олимлари, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларнинг банк тизимидаги коллеж ҳамда академик лицейлари раҳбарлари, профессор-ўқитувчилар иштирок этишди.

Бугунги кунда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози дунё аҳлини ташвишлантираётган энг долзарб муаммо эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Анжуманда сўзга чиққанлар Президентимиз томонидан жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида унинг салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича илгари сурилган устувор вазифаларга алоҳида тўхталдилар. Ушбу вазифаларни бажаришнинг аҳамияти, бу борада ўқувчиларнинг илмий дунёқарашини тўғри йўналтириш, таҳлил ва хулоса қилиш малакасини шакллантириш лозимлиги ҳақида батафсил айтиб ўтдилар.

**М. ХОЛМАТОВА.**

Ўтган йили Жарқўрғон туманида 3670 киши иш билан таъминланди. Уларнинг учдан бир қисми касб-ҳунар коллежларини битирган ёшлар ва ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқаролардир.

## Касаначи кам бўлмайди

Туман бандликка кўмаклашиш маркази раҳбари Шавкат Холиёровнинг айтишича, болали аёллар ва ногиронларни ишга жалб этишда иш ўрни яратишнинг касаначилик усули қўл келмоқда. "Жарқўрғонпахта" ҳиссадорлик жамияти, "Жарқўрғоннефт", "Алпомиш" каби саноат корхоналари касаначиларга қулай иш шароитлари яратиб, уларни моддий жиҳатдан рағбатлантириб бораётир.

**О. УСАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

## Истеъмол товарлари – ҳар бир хонадонга

***2009 йилнинг биринчи чораги давомида республикамизда истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши***

**12,5**



**фоизни ташкил этди.**

Ўтган уч ой мобайнида юртимизнинг барча ҳудудларида аҳолининг истеъмол товарларига бўлган эҳтиёжини қондириш борасида амалий чора-тадбирлар кўрилгани натижасида соҳада шундай ўсишга эришилди.

**Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида Жиззах вилояти ҳудудидаги 340 гектарлик сунъий кўлда балиқчиликни ривожлантириш режалаштирилган.**

## Балиқчилик ривожланмоқда

Бунинг учун 19 та фермер хўжалиги ташкил этилади. Ҳозиргача ўз фаолиятини бошлаган Жиззах туманидаги "Учтепа балиқ", "Жиззах балиқ", "Улуғбек" фермер хўжаликларининг сунъий кўллари ҳажми 50 гектардан ошди. Форишдаги 6 та фермер хўжалиги 200 гектар майдонда балиқ кўпайтираяпти.

Йил охиригача янгидан барпо этилган сунъий кўлларда етиштирилаётган балиқ миқдори икки баробар кўпаяди. Бундан ташқари, юзлаб янги иш ўринлари яратилади.

**Б. САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

***2008 йилдан бошлаб «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамда ЮНЕСКО ташаббуси билан ўтказиб келинаётган «Асрлар садоси» фестивали 1-3 май кунлари Тошкент вилоятининг Оққўрғон ва Бўстонлиқ туманларида бўлиб ўтади.***

## Анъанага айланган тадбир

Шу муносабат билан ўтказилган матбуот анжуманида таъкидланганидек, истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида миллий-маънавий меросимизни тиклаш, асраб-авайлаш ва ёш авлодга етказиш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

— «Асрлар садоси» фестивали бу йил Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланади, — дейди "Осиё рамзи" модельерлар уюшмаси раҳбари Холида Комилова. — Фестивалдан кўзланган мақсад, халқимизнинг умрбоқий анъана ва удумлари, мусиқа, рақс, миллий ҳунармандчилик ва амалий санъат, халқ оғзаки ижоди билан ёш авлодни чуқурроқ таништиришдан иборат. Айни пайтда фестивалга кўплаб чет эллик меҳмонларнинг келиши ҳам кутилмоқда.

Бўстонлиқ туманининг Қоронкўл қишлоғида халқ сайли тарзида ўтказиладиган фестивалда фольклор жамоаларининг чиқишлари, миллий либослар намойиши, бахшилар беллашуви, амалий санъат кўргазмаси, миллий таомлар фестивали, шунингдек, бошқа миллий спорт ўйинлари ташкил этилади. Унда иштирок этадиган фольклор ва театр гуруҳлари, хонандалар, мусиқачилар, ҳунармандлар, шунингдек, кўпсонли томошабинлар учун ҳам барча қулайликлар яратилган.

Миллий маданиятимиз, санъатимизнинг ўзига хос байрами сифатида ташкил этилаётган ушбу тадбирда чавандозлар, дизайнер-рассомлар, "Янги авлод", "Келажак овози" фестивали ва кўрик-танловларининг ғолиб ва совриндорлари ҳам иштирок этишади.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

*Юртимизнинг янада обод, халқимиз ҳаётининг янада фаровон бўлиши ва олдимизда турган юксак вазифаларнинг бажарилиши, ҳеч шубҳасиз, қишлоқларимизнинг тақдири ва келажаги билан боғлиқ.*

**Ислом КАРИМОВ**

# «Қишлоқ қурилиш банк»:
# ЮРТ ФАРОВОНЛИГИ ВА ТАРАҚҚИЁТИ ЙЎЛИДА

**Мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳбарлигида амалга оширилаётган оқилона ва ҳар томонлама пухта ишлаб чиқилган ислоҳотлар туфайли истиқлолимизнинг ҳар бир йили ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизда туб ўзгаришлар ясамоқда. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози дунёнинг деярли барча, айниқса, ривожланган давлатларини кенг қамраб ола бошлаган 2008 йилда ҳам иқтисодиётимиз тармоқларида барқарор ўсиш таъминланганини сўзимиз исботидир. Бу мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ, давлатимиз раҳбари ва ҳукуматимиз томонидан амалга оширилаётган босқичма-босқич ривожланиш йўли ниҳоятда тўғри танланганлигининг яна бир бор тасдиғидир, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.**



Юртбошимизнинг ташаббуси ва бевосита раҳбарлигида жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатларининг олдини олиш ва бартараф этишга йўналтирилган Инқирозга қарши чоралар дастури ишлаб чиқилиб, унинг ижроси бўйича зарур чора-тадбирлар жадал амалга оширилмоқда. Бундан ташқари, Президентимиз томонидан қабул қилинган тегишли фармон ва қарорларга асосан, 2008 йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб иқтисодиётнинг етакчи тармоқлари, хусусан, йирик ишлаб чиқариш субъектлари, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналар, шунингдек, кичик бизнес субъектлари, хусусий тадбиркорларга бир қатор имтиёз ва енгилликлар берилиб, улар молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватланаётгани ўзининг ижобий самараларини бермоқда. Бунинг натижасида мавжуд корхоналарда ишлаб чиқариш кенгайтирилиб, кўплаб янги иш ўринлари яратилди. Корхоналарда рақобатбардош маҳсулотлар тайёрлаш ҳажмининг ортгани эса, мамлакатимиз экспорт салоҳиятининг юксалишини таъминлади.

Бу йўналишда давлатимиз раҳбари томонидан, айниқса, банк тизимига алоҳида эътибор қаратилаяптики, буни нафақат ҳозирги шароитда, балки келгусида иқтисодий-ижтимоий ривожланиш йўлида амалга оширилиши режалаштирилган аниқ тадбирларнинг пойдевори сифатида эътироф этиш жоиз. Негаки, Президентимизнинг фармон ва қарорларига мувофиқ, 2008 йилдан бошлаб мамлакатимиз йирик банкларига қарийб 600,0 млрд. сўм миқдоридаги маблағ уларнинг низом жамғармалари ҳажмини кескин ошириш асосида, энг аввало, инвестицион фаолликларини таъминлаш мақсадида берилмоқда.

Эришилаётган ютуқларни таҳлил қиларканмиз, бунинг замирида мамлакатнинг барқарор ривожланиши йўлида олдиндан аниқ тадбирлар дастури ишлаб чиқилиб, уларни молиялаштириш манбаларини белгилаш масалаларига жуда катта имкониятлар берилаётгани мужассам эканлиги ойдинлашади. Айниқса, Юртбошимиз ташаббуси билан ҳар йил учун алоҳида ном берилиб, қабул қилинаётган дастурлар нафақат иқтисодиёт, балки ижтимоий ва маданий соҳаларда кескин ривожланишни таъминлаб, аҳоли турмуш даражасининг янада яхшиланишига хизмат қилмоқда.

Анъана давом эттирилган ҳолда, мамлакатимизда 2009 йил – "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" деб эълон қилинди. Ушбу номда жорий йилда амалга ошириладиган энг муҳим чора-тадбирларни ўз ичига олган махсус давлат дастури ҳам қабул қилиндики, бу мамлакатимизни янада обод қилиш, айниқса, қишлоқларимизнинг бундан-да чирой очиб, аҳоли турмуш даражаси яхшиланишига йўналтирилганлиги юртдошларимизни мамнун қилмоқда.

Дарҳақиқат, мазкур дастурда қишлоқ аҳолисининг манфаатларини тўлароқ таъминлаш мақсадида, энг аввало, қонунчилик ва ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш, қишлоқ аҳоли пунктларининг архитектуравий режалаштирилишини ташкил этиш, тураржой ва ижтимоий соҳа объектлари барпо этилишини лойиҳалаштириш тизимини тубдан яхшилаш, қишлоқ жойларда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш вазифалари белгилаб берилган. Шунингдек, замонавий йўл ва кўприклар бунёд этиш, транспорт хизмати кўрсатиш тизимини йўлга қўйиш, аҳолини тоза ичимлик суви, табиий газ ва электр энергияси билан таъминланиш даражасини ошириш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини янги сифат босқичига кўтариш масалалари ҳам устувор вазифалар сирасига киради.

Шу билан бирга, ушбу ҳужжатда қишлоқ тадбиркорлари ҳамда ишбилармонларга ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида, айниқса, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашни йўлга қўйиш борасидаги лойиҳаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш каби ўта муҳим масалалар ҳам ўз аксини топган. Буларнинг бари юртимизда энг олий қадрият деб қараладиган инсон манфаатларига, уларнинг турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилиши билан янада аҳамиятлидир.

Алоҳида таъкидлаш керакки, ушбу тадбирларни амалга ошириш учун жуда катта миқдорда маблағ давлат бюджетидан ажратилади. Шунингдек, банклар ва бюджетдан ташқари жамғармалар ҳамда хорижий банк ва молия институтлари маблағлари, хусусан, мақсадли грантларнинг йўналтирилиши кўзда тутилган. Сарфланаётган бу маблағлар бугунги қишлоқ қиёфасини тубдан ўзгартириш, қишлоқ аҳолиси турмуш даражасини ошириш, тадбиркорликни янги босқичга олиб чиқиш, аҳоли саломатлигини яхшилаш, қишлоқ инфратузилмасини XXI аср талабларига мослаштириш, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш салоҳиятини оширишга катта туртки беради, албатта.

Юртбошимиз "Инсон ҳаётга бир марта келади, шундай экан, умрини ҳар жиҳатдан муносиб, тинчлик-осойишталик, фаровонликда ўтказиши керак", дея кўп бор таъкидлайдилар. Қишлоқ жойларда пишиқ ғиштдан кўркам уйлар қуришни кўпайтириш кераклигини уқтирадилар. Шу боис дастурда қишлоқ қиёфасини сифат жиҳатдан яхшилаш, аҳоли тураржойлари ва ижтимоий соҳа иншоотларини меъморий режалаштириш ва намунавий лойиҳалар асосида барпо этиш тизимини тубдан такомиллаштириш энг муҳим вазифалардан бири сифатида белгилаб берилган. Унга асосан 2009-2015 йилларда қишлоқ жойларда якка тартибда уй-жой қурилишини ривожлантиришнинг алоҳида режасини ишлаб чиқиш ва жорий йилда умумий майдони 7100 минг квадрат метрга тенг бўлган уй-жой қуриб, фойдаланишга топшириш кўзда тутилган. Сиртдан қараганда, бу оддий рақамлар бўлиб туюлиши мумкин. Лекин унинг замирида юзлаб оилаларнинг бахту қувончи мужассам.

Албатта, бундай кенг қамровли ишларнинг бекаму кўст амалга оширилиши кўп жиҳатдан хизмат кўрсатиш ташкилотлари фаолиятига ҳам боғлиқ. Негаки, замонавий тураржойлар таъмирлаш қурилиш ташкилотлари, қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчи корхоналари мақсадли молиялаштирилса, бир сўз билан айтганда, тизимга комплекс банк хизматлари кўрсатиш яхши йўлга қўйилсагина тез ва сифатли бунёд бўлади. Давлат дастурида кўзда тутилганидек, бу ишлар янги ташкил этилган банк зиммасига юклатилган.

Президентимиз томонидан 2009 йил 30 мартда қабул қилинган қарорга асосан, очиқ акциядорлик тижорат «Ғаллабанк» негизида акциядорлик тижорат банк «Қишлоқ қурилиш банк»и ташкил этилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, уй-жой қурилиши, коммунал, ижтимоий соҳа ва қишлоқ аҳоли пунктларини ободонлаштириш борасидаги эҳтиёжларни амалга оширишда аҳоли ҳамда юридик шахсларга кредитлар бериш ва банк хизматлари кўрсатиш янги банкнинг устувор вазифаси этиб белгиланган. Шу боис «Қишлоқ қурилиш банк» очиқ акциядорлик тижорат банки томонидан қишлоқ жойларда тасдиқланган намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма объектларини қуриш ҳамда таъмирлашни амалга оширадиган ихтисослаштирилган пудрат ташкилотларига кенг кўламли кредит ва лизинг хизматлари кўрсатилади. Шунингдек, замонавий қурилиш материаллари ва конструкциялари ишлаб чиқарадиган, қишлоқда объектлар қуришнинг индустриал ва йиғма технологияларини жорий этадиган барча мулкчилик шаклидаги корхоналарга кредит ажратиш ва комплекс тарзда банк хизматларини кўрсатиш ҳам унинг устувор йўналишларидандир.

Банкимиз томонидан бундан ташқари, қишлоқ қиёфасини яхшилаш, муҳандислик ҳамда ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, жумладан, электр энергияси ва сув таъминоти тизимлари, йўллар ва қишлоқ врачлик пунктлари, мактаблар ва болалар спорти объектларини реконструкция қилишни назарда тутган ҳолда, инвестиция фаолияти олиб борилади. Асосийси, универсал тижорат банки сифатида юридик ва жисмоний шахсларга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибдаги бошқа комплекс банк хизматларини кўрсатади.

Қарорда бундай улкан ва масъулиятли вазифаларни амалга оширишнинг етарли даражадаги молиявий манбалари шакллантирилишига алоҳида эътибор берилгани диққатга сазовордир.

Гап шундаки, мазкур ҳужжат асосида банк устав капитали ҳажми 14,0 млрд. сўмдан 2009-2010 йиллар давомида қарийб 150,0 млрд. сўмга етказилади. Ўз навбатида, банк ресурс базасини мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2010 йилда Мактаб таълимини ривожлантириш жамғармасига ажратмалар ҳисобидан умумий ҳисобда 170,0 млрд. сўм миқдорида 15 йил муддатга мақсадли кредит линияси очилиши белгиланган.

Шу ўринда айтиш жоизки, банк томонидан халқаро молия институтлари ва бошқа хорижий молия-кредит тузилмаларининг имтиёзли кредитлари, инвестициялари ҳамда грантлари, банк томонидан қўшимча чиқариладиган акциялар ва бошқа қимматли қоғозларнинг муомалага чиқарилиши ҳисобига жалб қилинадиган маблағлар ҳам банк ресурс базасини мустаҳкамлашга йўналтирилиши назарда тутилмоқда. Энг муҳими, банк 2012 йилнинг 1 январига қадар фойда ва мулк солиғи, шунингдек, олиб келинадиган банк жиҳозлари ва техникаси учун божхона тўловлари тўлашдан озод қилинган. Бундан бўшайдиган маблағлардан мақсадли фойдаланилиши банкнинг молиявий имкониятларини янада кенгайтиради.

Қувонарли томони шундаки, банк ўз маблағларининг асосий қисмини бунёдкорлик ва ободонлаштириш лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтирмоқда. Хусусан, банк томонидан фақат 2009-2010 йилларда қарийб 260,5 млрд.сўмдан ортиқ кредит қўйилмаларини қишлоқ жойларда тасдиқланган намунавий лойиҳалар асосида якка тартибдаги уй-жой қурилишига ажратилиши сўзимиз исботидир.

Бунда, жисмоний шахсларга намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жой қурилиши учун Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси 50 фоизи миқдоридаги фоиз ставкаси билан энг кам иш ҳақининг 1000 бараваригача миқдорда 15 йил муддатгача имтиёзли кредитлар ажратилади. Шунинг эвазига дастлабки икки йилда банк кредитлари ҳисобига қишлоқ аҳоли пунктларида 9,5 мингга яқин замонавий ва кўркам тураржойлар қурилиб, фойдаланишга топширилади.

Эътиборли жиҳати, барпо этилажак уй-жойлар лойиҳалари "Қишлоққурилишлойиҳа" лойиҳа-қидирув институти томонидан ҳар бир ҳудуд шарт-шароитлари, экологик ва шаҳарсозлик-архитектура талаблари инобатга олинган ҳолда, бир неча вариантларда тайёрланиб, сўнгра тасдиқланади. Бундан кўзланган асосий мақсад қишлоқ аҳолиси учун мўлжалланган тураржойларнинг кўркам ва шинам бўлиши билан бирга, яшаш учун қулайлигини таъминлашдир.







Бахтиёр АКРАМОВ олган суратлар.

Очиғи, мустақилликкача бўлган даврда тураржойлар ва ижтимоий соҳа объектларини қуришда миллий анъаналар, маданиятимиз у ёқда турсин, ҳатто табиий иқлим шароитлари ҳам эътиборга олинмаган. Қурилиш материаллари етишмаслиги оқибатида ишлар чўзилиб кетар, ачинарлиси, "Қишлоққа шуям бўлаверади" қабилида архитектура ва шаҳарсозлик масалалари ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Оқибатда "ўз-ўзича" ва "кучи етганича" тарзида тураржойлар қурилиб, аҳоли яшаш пунктлари қиёфасининг шаклланишига салбий таъсирини кучайтирган эди.

Аслида халқимиз бой меъморчилик ва шаҳарсозлик тажрибасига эга. Самарқанд, Бухоро, Хива, Қарши, Шаҳрисабз, Тошкент, Марғилон сингари кўҳна ва ҳамиша навқирон шаҳарларимиз ўзининг меъморий ечими, бетакрор обидалари билан жаҳон аҳлини лол қилиб келмоқда. Қолаверса, юртимизда азалдан аҳолининг шахсий уй-жойи, ҳовлилари ҳам муайян лойиҳа асосида бунёд этилган. Бу жараёнда ҳудуднинг табиий иқлим шароити, рельефи ҳисобга олиниб, санитария-гигиена талабларига, иморатнинг ташқи кўринишига жиддий эътибор берилган.

Президентимиз ташаббуси ва алоҳида ғамхўрлиги билан бу анъаналар истиқлол йилларида қайта тикланди. Натижада нафақат шаҳарларда, балки олис қишлоқларда ҳам миллий шаҳарсозлик анъаналари замонавий усуллар билан бойитилган ҳолда кўркам иншоотлар қад ростлай бошлади. Бугунги кунда қишлоқларимизда фойдаланишга топширилаётган объектларни, жумладан, коллежлар ва академик лицейлар, мактаблар ва спорт иншоотлари, шифохона ва қишлоқ врачлик пунктлари, темир йўл ва жамоат транспорти шоҳбекатларини кўрган кишининг дили қувнайди. "Ёшлар йили" Давлат дастури доирасида қўл урилган ёш оилалар учун уй-жойлар қуриш бу борадаги ишларнинг мантиқий давоми бўлди. Бундай эзгу ишлар жорий йилда ҳам жадал олиб борилаётгани ички имкониятларимиз нечоғли катта эканлигини бўйбасти билан кўрсатмоқда.

«Қишлоқ қурилиш банк» универсал тижорат банки сифатида ўзининг доимий мижозларидан ташқари, "Ўзавтойўл" ҳамда "Ўзқурилишматериаллари" компаниялари таркибига кирувчи барча корхона ва ташкилотларга, шунингдек, замонавий қурилиш материаллари ва конструкциялар ишлаб чиқарадиган, объектлар қуришнинг индустриал ва йиғма технологияларини жорий этадиган мулкчилик шаклидан қатъи назар, қурилиш ишлари билан шуғулланувчи пудрат ва ихтисослашган қурилиш-таъмирлаш корхоналарига бевосита комплекс банк хизматларини кўрсатади. Ўз навбатида, бу корхоналарнинг ишлаб чиқариш қувватлари ошишига ва қурилиш материалларининг арзон бўлишига хизмат қилади. Ана шунда қурилиш ишлари қиймати ҳам ўз-ўзидан пасайиб боради.

Сир эмас, мамлакатимиз тарихи ва бугунида қишлоқларимиз алоҳида ўрин тутади. Яратувчан ҳамда бунёдкор халқимизнинг катта қисми истиқомат қиладиган қишлоқлар қиёфасини тубдан ўзгартириш, аҳоли учун замонавий тураржойлар, маданий ва спорт иншоотлари каби ижтимоий объектлар, йўллар ҳамда бошқа турдаги сервис хизматларини режали тарзда шакллантириш ишларини жадаллаштиришнинг вақти келди. Зеро, юрт фаровонлиги ва унинг тараққиёти йўлида амалга ошириладиган хайрли ишлар эртанги кунга ишонч ва келажакка умид ҳиссини янада мустаҳкамлайди.

**Бунга юртимизда ушбу тизимда фаолият кўрсатаётган кўплаб корхона ва ташкилотлар қаторида ОАТБ "Қишлоқ қурилиш банк" жамоаси ҳам муносиб улуш қўшаверади. Зотан, Президентимизнинг қарори асосида белгилаб берилган вазифаларнинг бекаму кўст амалга оширилиши қишлоқларимизнинг обод бўлишига, халқимизнинг турмуш шароити янада яхши, ҳаёти бугунгидан-да фаровон бўлишига хизмат қилиши турган гап.**

**Шуҳрат ТОШМУРОДОВ,**
**ОАТБ «Қишлоқ қурилиш банк» бошқаруви раиси.**

**Ветеринария препаратлари ва лаборатория диагностикумларини харид қилиш бўйича «Халқ сўзи» газетасининг 2009 йил 24 март 61-сонида тендер савдосини ташкил этиш тўғрисидаги эълонга қуйидаги қўшимчалар киритилади.**

**Ишчи орган номи** — Давлат ветеринария бош бошқармаси.

**2009 йил 8 май куни очиқ тендер бўлиб ўтади.**

| Т/р | Касаллик ва ветеринария препаратининг номи | Ўлчов бирлиги | Энг юқори баҳоси (сўм) |
|---|---|---|---|
| 1. | Яшур (А, О, Осиё-1 типи) | доза | 690 |
| 2. | Қутириш (ҳар хил) | доза | 581-690 |
| 3. | Куйдирги | доза | 28 |
| 4. | Бруцеллёз «REV-1» | доза | 168 |
| 5. | Бруцеллёз «шт.-19» | доза | 155 |
| 6. | Лептоспироз (II вариант) | доза | 430 |
| 7. | Туялар ўлати | одам дозасида | 210 |
| 8. | Парранда ўлати (шт. «Н») | доза | 3,40 |
| 9. | Қўйлар чечаги | доза | 37 |
| 10. | Брадзот | доза | 25 000 |
| 11. | Туберкулёз | доза | 111 |
| 12. | Отларнинг манқаси | доза | 192 |
| 13. | Қорасон | литр | 25 000 |
| 14. | Итлар цистедози | таблетка | 45 |
| 15. | Чумилтириш воситаси (Ку-лихорадка) | литр | 25 000 |
| 16. | Лаборатория диагностикумлари | (кг.-литр) | 50 млн. сўм |

**Таклифларни қабул қилиш муддати** — 2009 йил 7 май куни соат 18.00 гача.
**Тендер қатнашчиси учун закалат суммаси** — таклиф этилаётган миқдор суммасининг 2 фоизидан 5 фоизигача.
**Тендер ҳужжатларининг нархи** — хорижий таъминотчилар учун 300 (уч юз) АҚШ доллари.
**Манзил:** Тошкент шаҳри, Фарҳод кўчаси, 21-«А» уй.
**Мурожаат учун телефон:** 276-49-92.
**Тел./факс:** 276-90-85.

*Ветеринария препаратларининг баҳоси (нархи) Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 21 ноябрдаги 456-сонли қарори билан тасдиқланган Низомнинг 55-бандига асосан тегишли вазирлик ва идораларнинг бозор конъюктурасини ўрганиш натижасида берган хулосаларига асосан ўзгариши мумкин.*

Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси "Yoshlar" телеканали" ЁАЖ жамоаси "Yoshlar" радиоканалининг катта муҳаррири Насриддин Асриддиновга падари бузруквори **ҲУСНИДДИН** **отанинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

**Устюрт кенгликларида жойлашган Қорақалпоғистон шаҳарчаси мамлакатимизнинг энг чекка шимолий нуқтаси ҳисобланади. Нукус шаҳридан 450 километр олисдаги ушбу шаҳарчада Бўстон ва Шақпақли қишлоқларини қўшиб ҳисоблаганда 4 мингдан зиёд аҳоли умргузаронлик қилмоқда.**

# ОВУЛЛАР ЧИРОЙ ОЧМОҚДА

— Мамлакатимизда юз берган ҳар бир янгиликдан фуқароларимиз дарров воқиф бўлади, — дейди фуқаролар йиғини оқсоқоли Мирзабой Қиличев. — Компрессор ва темир йўл станциялари, иккита мактаб, болалар боғчаси, бозор, поликлиника, чегарачилар ва божхона постлари, банклар, почта тармоғи халққа хизмат кўрсатмоқда.

**Интилиш**

Бу ерда аҳоли фаровонлигини ошириш, айниқса, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Яқиндагина шаҳарча марказида янги спорт коллежи қурилиб, ишга туширилгани кўплаб спортсевар ўғил-қизларнинг қувончига сабаб бўлди. Ҳозир улар бу ерда бир неча спорт турлари билан мунтазам шуғулланишмоқда.

Кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оилалар, ногиронлар доимо эътиборда. Йиғин ташаббуси билан яқинда ота-онасидан эрта етим қолган Н. Давлатмуратов ва У. Жарекееванинг никоҳ тўйи ўтказиб берилди.

Шаҳарни обод ва кўркам қилиш ниятида ўтган йили 1000 тупдан зиёд мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилган эди. Ҳозир уларнинг аксарияти кўкка бўй чўза бошлади. Бундан руҳланган кўплаб муассаса ва ташкилотлар бу йил 3 минг туп ниҳол қадашди. Шу тариқа юртимизнинг энг олис гўшасидаги овуллар ҳам обод бўлиб бормоқда.

Қораўзаклик Зарафшон Абдимуратованинг тадбиркорлигига бугун қишлоқдошлари ҳавас билан қарайди. Гап шундаки, у қишлоқ четидаги қаровсиз ётган иморатни муҳташам "Оталар чойхонаси"га айлантирди.

— Ёшларнинг бўш пайтларини мазмунли ўтказиш учун чойхонамиз қошида ҳар хил тўгараклар, хусусан, тикувчилик цехи очиш тараддудидамиз, — дейди биз билан суҳбатда Зарафшон. — Хизмат кўламини кенгайтириб, яқиндан бошлаб никоҳ тўйларини ҳам ўтказаяпмиз.

Бу мамлакатимизда сервис хизмати кўрсатишни такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган ислоҳотлар самарасидир. Бизга яратиб берилаётган имкониятлардан оқилона фойдаланиб, фаолиятимизни кенгайтиришга, қишлоғимизнинг янада обод бўлишига ҳисса қўшишга аҳд қилганмиз.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



# Водийларни яёв кезганда...

***Андижон вилоятининг ўзига хослиги шундаки, унинг ҳудуди юртимиз умумий ер майдонининг атиги бир фоизини ташкил этса-да, мамлакат аҳолисининг ўн фоизи шу ерда истиқомат қилади. Шундай экан, халқ фаровонлигини ошириш, ҳар бир одамнинг ўз ҳаётидан рози бўлиб яшашини таъминлаш учун нималар қилиш керак?***

***Аввало, вилоятда Президентимиз раҳнамолигида, ҳукуматнинг амалий ёрдамига таянган ҳолда, қишлоққа саноатни олиб кириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, сервис соҳасини кенгайтириш, хизмат турларини кўпайтириш ҳамда сифат даражасини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Биргина ўтган йили вилоятга 12,6 миллион АҚШ доллари миқдорида хорижий инвестициялар киритилиб, жойларда 13 та қўшма корхона ташкил этилди.***

**● Вазирлар Маҳкамасининг яқинда жорий йил биринчи чорак якунларига бағишлаб ўтказилган мажлисида мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга йўналтирилган устувор вазифалар ижросини таъминлаш орқали халқ хўжалигининг барча жабҳаларида барқарор ўсишга эришилгани алоҳида таъкидланди. Жумладан, "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурида белгилаб берилган тадбирларнинг амалга оширилиши туфайли:**

## Давлат дастури – амалда

Ҳисобот чорагида **249,1** км. газ ва **237,7** км. сув қувурлари тармоқлари,

шу жумладан, қишлоқ жойларда **220,6** км. газ ва **202,9** км. сув қувури тармоқлари ишга туширилди,

**1441,8** минг кв.м. уй-жой,

шундан қишлоқ жойларда **1219,8** минг кв.м. якка тартибдаги уй-жой қурилди.

***Йўллар қуриш, қишлоқни янада ривожлантириш ва ободонлаштиришнинг ресурс, институционал ва ташкилий базасини яратиш юзасидан кўламли ишлар олиб борилмоқда.***

# ҚИШЛОҚДА ЯШАШ ГАШТИ

***Қоракўл туманидаги Қозон қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида "Мўйначи ҳунарманд" кичик корхонаси фаолият кўрсатаяпти. Унинг тамғаси туширилган маҳсулотлар хорижга экспорт қилинмоқда. Сабаби оддий: қишлоқ тадбиркорлари қоракўл терисидан замонавий бичимдаги кийимлар тайёрлашаяпти.***

— Маҳсулот дизайнига алоҳида эътибор қаратаяпмиз, — дейди кичик корхона модельер-дизайнери Насиба Йўлдошева. — Асосан, ёшларбоп кийимлар ишлаб чиқариш ҳаракатидамиз.

Қишлоқ муаллимаси бўлган Насибанинг ота-боболаримиздан мерос ҳунарни асраб-авайлаб, унга замонавий руҳ беришга интилаётгани кишини хурсанд қилади. Қайта ишланган қоракўл териси қиз-жувонлар қўлида жило топиб, кўркам пальто, жаҳон андозаларига мос кийимларга айланаётганини кўриш завқли, албатта.

**Тадбиркорлик**

— Ҳудудимизда бу каби кичик саноат корхоналарининг фаолият кўрсатаётгани тараққиёт нишонасидир, — дея мулоҳаза юритади қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Мурод Бебутов. — Биз аҳолини фойдали ижтимоий меҳнат билан банд қилиш, тадбиркорликни равнақ топтиришга алоҳида эътибор қаратаяпмиз. Турли хизмат кўрсатиш шохобчаларимиз сони йигирмадан ошди. Жорий йилда улар сони ўттизтага етиши кутилаяпти.

Шуниси муҳимки, Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида вилоят қишлоқларига кичик саноатни олиб кириш, чакана савдо, умумий овқатланиш, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари барпо этиш ишлари янги босқичга кўтарилди. Бунда шу йўналишда тўпланган тажриба асқотаяпти. Дейлик, 2008 йилда иш бошлаган 758 та маиший хизмат кўрсатиш шохобчасининг 448 таси қишлоқ жойларда очилган эди. Дарвоқе, Аҳолини иш билан таъминлаш дастурига кўра, жорий йилда янги иш ўринларининг 84 фоизи қишлоқ жойларида ташкил қилинади. Бунда кичик бизнеснинг улуши катта бўлиши кутилмоқда. Бу соҳада яратиладиган 34 минг 483 та янги иш ўрнининг 85 фоизи қишлоқларга тўғри келади.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**




# Хонобод яна ҳам кўркамлашади

Енгил саноат тармоғида 4 та, бундан ташқари, 5 та шўъба корхонаси ўз фаолиятини бошлади. Бу корхоналарда 3300 та янги иш ўрни яратилди.

Хонобод — вилоятнинг шимолий ҳудудида жойлашган шаҳарлардан бири. Илгари бу ерда яшовчилар, асосан, чорвачилик билан шуғулланар, айримлари қир-адирлар этагида деҳқончилик қилиб, рўзғорини тебратарди. Умрида катта шаҳарларни кўриб-кўрмаган, завод-фабрика нима эканини билмаган хонободликлар эндиликда хорижнинг энг замонавий дастгоҳлари билан жиҳозланган корхоналарда меҳнат қилаётир. Уларнинг қўлларидан чиққан сифатли маҳсулотларга, ҳатто, хорижликлар харидор.

Шу ўринда яқиндагина Хонободда ишга туширилган "Инком Тарандубитель" шўъба корхонаси фаолиятига тўхталиб ўтсак. Бу корхонада бир вақтлар саноатда кенг қўлланиладиган ошловчи моддалар, чарм маҳсулотлари, кийим-кечаклар ишлаб чиқарилар эди. Хом ашё, асосан, қўшни мамлакатлардан келтирилиши, бозор талаблари пухта ўрганилмагани, уқувсизлик сингари ҳолатлар корхонани оғир аҳволга солиб қўйганди. Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра, у Маҳаллийлаштириш дастурига киритилгач, "Инком Тарандубитель" Россия шўъба корхонасига асос солинди. Айни пайтда бу ерда юздан ортиқ хотин-қизлар меҳнат қилаётир.

**Ифтихор**

— Оналаримиз ва момоларимизнинг тушларигаям кирмаган корхонада ишлаяпмиз, — дея хурсандчилигини яширолмайди Наргиза Эргашева. — Яқиндагина уйда ўтирган эдик. Президентимизга мингдан-минг раҳмат, биз, ёшларга барча имконият ва шароитларни яратиб бердилар. Нафас ростлаб, ҳордиқ чиқарадиган хоналаримиз, тиббий муолажалар олиб бориладиган залларимизга ҳамманинг ҳаваси келади, ахир!

Наргиза ва унинг Гулнора Холмирзаева, Ёқутхон Собирова, Дилноза Боймирзаева сингари дугоналари симох ўсимлиги барги ҳамда анор пўстлоғидан ошловчи модда — экстракт маҳсулоти ишлаб чиқармоқдалар. "Ўзбекнефтгаз" тизимидаги корхоналар учун сув ва ҳаводек зарур бўлган ушбу маҳсулот ҳажми тобора ортмоқда.

Хонободда, шунингдек, "Андижонкабель" Ўзбекистон — Россия, "Ўз Код Жи" Ўзбекистон — Жанубий Корея қўшма корхоналари, "Имконият келажаги" акциядорлик жамияти ва "Мустақиллик-Ан" фирмаси ҳам фаолият кўрсатмоқда. "Мустақиллик-Ан" фирмасининг раҳбари Нурилло Раҳматуллаев иқтисодий жиҳатдан заифлашиб, узоқ муддат тўхтаб қолган "Хон-буъда" қўшма корхонасини ўз тасарруфига олган эди. 200 миллион сўм маблағ йўналтириб, бино ва цехларни мукаммал таъмирдан чиқарди. Илғор технологияларни келтириб ўрнатди. Ҳозирги кунда жамиятнинг "Олтин лағмон" макарон маҳсулотларига нафақат Фарғона водийси вилоятларида, балки мамлакатимиз пойтахтида ҳам талаб катта.

Хонободда яна бир йирик корхона — Андижон гидроэлектростанцияси ҳам ишлаб турибди. Бу жамоа яқинда ўз жонажон корхонасининг 25 йиллик тўйини кенг нишонлади. Улар ана шу қутлуғ сана арафасида тўртта агрегатни қайта таъмирдан чиқардилар. Эндиликда бу агрегатлар ёрдамида соатига 140 мВт. электр қуввати ишлаб чиқарилмоқда.

Бундай бунёдкорлик ишлари вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида жадал олиб борилмоқда.

Жорий йилда вилоятда яна 7 та йирик корхона ишга туширилиши режалаштирилган. Демак, иқтисодиёт бундан-да ривожланади, аҳоли фаровонлиги юксалади, шаҳар ва қишлоқлар обод бўлади.

**Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

ДИЛ СЎЗИ

# Дастурхонимиз баракаси

**Юртбошимиз ҳамиша эл маъмурчилигини деҳқоннинг яратувчилик меҳнати билан боғлаб, бизни кўкларга кўтариб эъзозлайдилар.**

*Айниқса, бугунги кунда аграр соҳанинг устунига айланган фермерларга эътибор бошқача. Биргина бизнинг фермер хўжалигимиз мисолида оладиган бўлсак, амалий ёрдам — ўғит, ёнилғи таъминоти, молиявий кўмак, техника мадади билан ўтган йили пахта ва ғалладан яхшигина ҳосил етиштирдик. Даромадимиз 185 миллион сўмдан ортди. Шартномадан ортган 17 тонна ғаллани ишчиларимизга бўлиб бердик.*

*Зеро, бу йилда ҳам ризқ-рўзимиз баракали, дастурхонимиз янада тўкин бўлади. Далалардаги ғалланинг баравж ўсаётгани шундан далолат бераётир.*

***Собиржон ҚОЗОҚОВ,***
***Чортоқ туманидаги «Ойқиронлик пахтакор» фермер хўжалиги раҳбари.***

**Тадбиркорлик ва тижорат ишлари сабаб дунёнинг жуда кўплаб давлатларида бўламан. Қаерга бормайлик, Ўзбекистон ва унинг халқи ҳақида гап кетса, албатта, бетакрор боғу роғларимиз, миллий ифтихоримиз бўлмиш пахта, ял-ял ёнадиган атласу адраслар, ипак матоларимиз хусусида сўз юритилади.**

## Пиллачилик:

# Тармоқ ривожи тутчиликдан бошланади

Дарҳақиқат, мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга қаратилган устувор вазифаларнинг амалдаги ижроси туфайли иқтисодиётимиз жадаллик билан ривожланиб, унинг куч ва салоҳияти, бетакрор имкониятлари хорижликлар томонидан ана шундай чуқур ҳурмат билан эътироф этилмоқда.

Ўзбекистонимизга бежиз жаннатмонанд юрт дея тариф берилмайди. Чунки бизда табиат инъом этган ўзига хос неъматлардан ташқари, ҳар бир соҳа ва тармоқ истиқболи учун етарли асослар ҳам мавжуд. Масалан, қишлоқ хўжалигининг энг истиқболли тармоқларидан саналган пиллачиликни олайлик. Бу борада Фарғона вилояти ўзига хос ўринга эга. Тўғри, вилоятимизда мазкур тармоқнинг ҳозирги аҳволи бизни қониқтирмайди. Чунки пиллачиликда кўп йиллик тажрибага эга фарғоналикларнинг ушбу йўналишда салмоқли натижаларни қўлга киритишлари учун имкониятлари ҳам, шароитлари ҳам бор. Гап фақат ана шу имкониятлардан унумли фойдаланиб, ишни тўғри ташкил эта билишда, холос. Маълумки, тармоқни ривожлантириш учун, биринчи навбатда, пиллачиликнинг озуқа базаси — тутчиликка эътибор қаратиш лозим. Бу ишга ўз ҳиссамни қўшиш учун яқинда вилоят миқёсида бўлиб ўтган йиғилишлардан бирида фермер хўжалигимизда етиштирилган тут кўчатларини фермер хўжаликларига бепул тарқатиш ташаббуси билан чиқдим. Бу, бир томондан, фермерларни қўллаб-қувватлаш бўлса, иккинчи томондан, пиллачиликдаги қолоқликка барҳам бериш, озуқа базасини мустаҳкамлаш йўлида ташланган хайрли қадамдир.

**Мушоҳада**

Сўзим қуруқ бўлмаслиги учун, бир мисол келтирмоқчиман. Ҳозирга қадар вилоятдаги 200 дан зиёд фермер хўжаликларига қарийб 500 минг туп тут кўчатини бепул етказиб бердик. Шуниси қувончлики, бу кўчатлар ерга ўз вақтида ўтқазилгани туфайли уларнинг бари бехато ўсмоқда. Бундан, айниқса, Олтиариқ, Ёзёвон ва Бувайда туманларидаги фермерлар мамнун. Зеро, агар ҳамма жойда пиллачилик тармоғига муносабат ўзгарса, унинг озуқа базаси мустаҳкамланса, "кумуш тола" етиштириш ҳажми янада ортади.

**Солижон МИРЗАЖОНОВ,**
**Фарғона туманидаги «Турон чашмаси» фермер хўжалиги раҳбари.**

# Ёшлар қувончи

***Мустақиллик йилларида юртимизда Президентимиз раҳнамолигида спортга, хусусан, болалар спортига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда. Бу борада амалга оширилаётган ишлар самарасини мамлакатимизнинг барча ҳудудларида кўриш мумкин.***

Жумладан, бугун ҳар бир вилоят, туман ва шаҳар марказларида, ҳатто олис қишлоқ ҳамда овулларда ҳам бир-биридан кўркам замонавий спорт кошоналари барпо этилган, улардаги шарт-шароитлар эса замон талабларига тўла жавоб беради. Масалан, биргина ўтган йилнинг ўзида республикамиз бўйича 184 та болалар спорти иншооти қурилганининг ўзиёқ бу масала нечоғли катта аҳамиятга эга эканлигидан далолатдир.

Ана шундай масканларда тарбияланаётган фарзандларимиз орасидан мамлакат ва халқаро мусобақалар ғолиблари етишиб чиқмоқда. Лекин масаланинг муҳим жиҳати бунда эмас. Асосийси, ушбу чора-тадбирлар туфайли болалар қалбида спортга ҳавас уйғотиш ва уларнинг ҳар томонлама соғлом ва бақувват бўлиб вояга етишини таъминлашдан иборатдир. Чунки ҳаёт ҳақиқати шундаки, спорт билан дўст тутинган инсоннинг юрагида ҳамиша эзгулик бўлган.

Жиззах вилоятида ҳам бу борада ибратли ишлар қилинаётир. Бугунгача Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят бўлими томонидан ҳудудда 8 та замонавий спорт мажмуи, 35 та мактабда эса спорт заллари янгитдан бунёд этилди. Эътиборлиси, бу тадбирларнинг асосий қисми, яъни 87 фоизи қишлоқ жойларида амалга оширилди. Биргина ўтган йилнинг ўзида вилоятдаги 13 та умумтаълим мактабида янги спорт заллари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Ҳозир уларда ташкил этилган секцияларда минглаб ўғил-қизлар ўзлари ёқтирган спорт турлари билан шуғулланишмоқда.

**Фахр**

— Юртимизда иқтидорли болалар кўплаб топилади. Мавжуд имконият ва шароитлар туфайли уларнинг истеъдоди рўёбга чиқмоқда, — дейди миллий тоифадаги ҳакам Ойбек Ҳамроқулов. — Машғулотларда тобланган фарзандларимиз орасидан юртимиз довруғини дунёга танитадиган спортчиларнинг етишиб чиқаётгани қувонарлидир. Улар қаторида жиззахлик ёшлар ҳам бор. Хусусан, боксчи Хуршид Тожибоев, шахматчи Юлдуз Ҳамроқулова сингари умидли ёшларимиз бизнинг фахру ифтихоримизга айланишган. Ҳозир қанчадан-қанча спорт мажмуаларимизда ҳали кўзга кўринмаган иқтидорлар тарбияланмоқда. Ишончимиз комилки, улар орасидан яна кўплаб чемпионлар, спорт юлдузлари етишиб чиқади. Келгусида эса Ўзбекистоннинг спорт соҳасидаги улкан ютуқларига ҳавас қилиб, унинг тажрибаларини дунёнинг бир қанча давлатлари ўзларида татбиқ этишади. Чунки юртимизнинг бу борадаги саъй-ҳаракати ўрганса арзигулик.



Дарҳақиқат, болалар спортини ривожлантириш йўлида мамлакатимизда амалга оширилаётган ишлар кўлами улкан. Бу йил мустақиллигимизнинг 18 йиллигини байрам сифатида кенг нишонлаймиз. "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" деб номланган мазкур йилда олис ҳудудларда ҳам янги истеъдодлар кашф этилади, музаффар спортчиларимиз шарафига байроғимиз баланд кўтарилади. Бу эса истиқлол бизга берган имконият қанчалик улкан эканини яна бир бор кўрсатади.

**Баҳриддин САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ 1992-2008 йилларда чиқарилган Ўзбекистоннинг мавзули ва йиллик почта маркалари, блок ва кичик варақларни, кляссер ва буклетларга жойлаштирилган марка тўпламларини тақдим этади. ТЕЛ. 233-70-33. ФАКС 236-36-48. САЙТ: WWW.POCHTA.UZ E-MAIL: OAO@POST.UZ

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 456. 46571 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Ш. Ортиқов.
Навбатчи — Қ. Ҳидиров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машрабоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.45 Топширилди — 23.25 7 8